
Фуқаролар мурожаати - доим эътиборда

????Тошлоқ тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев ҳокимликнинг мажлислар залида фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш, ҳал этиш ва ижро интизоми бўйича йиғилиш ўтказди. Унда ҳоким ўринбосарлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этишди. Йиғилишда 21 октябрь куни "Рухсор" радиоси орқали ўтказилган "Ҳоким билан юзма-юз" лойиҳаси ҳамда "Мурожаат-Тошлоқ тумани" телеграм гуруҳи орқали қабул қилинган мурожаатлар муҳокама этилди. Масъулларга мазкур мурожаатлар ижросини таъминлаш, жойига бориб ўрганиш, масалаларни ижобий ҳал этиш мақсадида ўрганиш натижалари бўйича ахборот киритиш ҳақида топшириқлар берилди.

????Шунингдек туман ҳокими кунлик иш режасига мувофиқ Тошлоқ ва Садда маҳалла фаоллари билан учрашди. Фаоллар томонидан ҳудуднинг инфратузилмасини яхшилаш, коммуникация тармоқларини тортиш, маҳалла қабристонини учун ер майдонини ажратиш масаласида билдирган таклифлари ижро учун қабул қилинди. Масъул ташкилотлар раҳбарларига ҳар бир мурожаат бўйича жойига бориб ўрганиш вазифаси юклатилди.

2020-10-23 18:00:49